

# ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА БАРҲАЁТ!

9 май “Хотира ва қадрлаш” куни ушбу байрам мустақил Ўзбекистонда асрлар давомида қаҳрамона, ўлкамизни ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва халқининг тинчлиги учун курашган ватандошлар хотирасига бағишланган.





Хотира ва қадрлаш тушунчаси чуқур маънога эгадир. Ушбу кунда фашизмга қарши курашишларда қатнашган, ўз Ватанини ҳимоя қилишда жонига фидо қилган, шунингдек Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолiddин Мангуберди, Наджмиддин Кубро, каби қаҳрамонлар ва асрлар давомида халқ орзу қилган эркинлик учун курашган Қодирий, Бехбудий, Мунаввар-қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир каби миллий қаҳрамонларимизни руҳини шод этиб эслаш ҳам фарз ҳам карздир. Инсоният иккинчи жаҳон урушида катнашган, бу аёвсиз жангу жадалда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини асло унутмайди.



Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд

этиш, оловли жангоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, иймони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.



Бугун Бойсун тумани туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тарғибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ва кенг жамоатчилик

вакиллари, Мотамсаро она монументи пойига гуллар қўйишди.



Ўтганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини ҳурмат билан эшлаш, уларнинг арвоҳларини шод қилиш муқаддас одат сифатида қон-қонимизга сингиб кетган. Айнан шу мақсадга эришиш йўлида Ватанимизнинг эртанги куни, келажаги бўлмиш, бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш, фарзандларимизга замонавий билим бериш ва уларни ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш энг устувор вазифамиз эканини ҳеч қачон

унутмаслигимиз даркор.